

Рўзанинг 15 та фазилати



17:43 / 24.05.2017 7571

Буюк Аллоҳ рўзани ҳар бир мусулмонга фарз қилиб берди ва рўза Ўзи учун эканлигини айтди. Мусулмонлар Аллоҳнинг розилигига эришишнинг ушбу имкониятини ҳеч қачон қўлдан чиқармасликлари даркор.

Рўзада - Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бор бўлиб, унда мусулмон учун кўплаб фойда ва манфаатлар борки, улар хақида ҳадисларда ҳам баён қилинган:

1. “Дунёдаги ҳар бир нарсанинг закоти бор ва баданнинг закоти рўзадир”.
2. “Очлик ва чанқоқни Аллоҳ учун бошдан кечирадиган мусулмонлар нақадар бахтлидирлар. Бундай кишиларнинг мартабалари қиёмат кунда улуғ бўлади”.
3. “Агар Аллоҳнинг қули рамазон ойида нақадар кўп раҳматлар яширин эканлигини билганида эди, бу ойни бутун йилга чўзилишини сўраган бўлар эди”.
4. “Агар банда ёлғон сўз ва амалдан тўхтамаса, унинг емак ва ичмакдан чекланиши Аллоҳ учун керак бўлмайди”.

5. Кимки рўзадорни таомлантирса, у рўзадор даражасидаги савобга эришади. Рўзадорнинг савоби эса камайиб қолмайди”.

6.“Аллоҳ таоло марҳамат қилади: менинг бандаларим ичида энг севимлилари рўза учун шошиладиганларидир”.

7.“Рўза - қалқондир. Агар сизлардан бирингиз рўза тутса, ёмон сўз айтмасин, шовқин солмасин. Агар уни хақорат қилишса ёки уришса, “Мен рўзадорман” деб айтсин”. 8.“Жаннатнинг “Ар-Райён” номли дарвозаси бўлиб, улардан фақатгина рўзадорлар киради. Қиёмат куни “Рўзадорлар қани?” деб сўралади, шунда улар ўринларидан турадилар ва ушбу дарвозалардан жаннатга кирадилар. Улар кириб бўлгач, дарвозалар ёпилади ва бошқа ҳеч ким киритилмайди”.

9.“Кимки рамазонда мукофот ниятида еътиқод ва умид билан рўза тутган бўлса, унинг аввалги содир етилган гунохлари кечиради”.

10.“Рамазон пайтида Аллоҳ оловдан қутулиб қолувчи бандаларини танлайди”.

11.“Кимки Аллоҳ учун бир кун рўза тутса, Аллоҳ уни етмиш йиллик масофадаги дўзах оловидан омонда сақлайди”.

12.“Агар тонг ёришгунча банда рўза тутишга ният қилмаса, унинг тутган рўзаси қабул бўлмайди”.

13.“Кимки Аллоҳ раҳматидан умидвор бўлиб бир кун бўлса ҳам рўза тутса, бу кун умрининг охирги куни бўлса ҳам, у жаннатга киради”.

14.“Рўза қалқондир ва кимки рўзадор бўлса номаъқул ишлардан чеклансин ва шовқин солмасин. Агар кимдир у билан урушмоқчи бўлса ёки уни хақорат қилса, бас у икки марта “Мен - рўзадорман” десин”.

15.“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳ учун рўзадорнинг оғзидан келаётган ҳид мушкнинг ҳидидан кўра ёқимлироқдир ва рўзадор эса икки ҳолатда хурсандчиликни ҳис қилади: ифтор пайтида хурсанд бўлади ва Ҳолиқи билан кўришганда рўза тутгани учун берган ажрини кўрганида хурсанд бўлади”.

